

**САНГЗОРДАРЁ СОҲИЛИ СУВ МУХИТИ ОМИЛЛАРИНИНГ ИККИ
ПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР ОҒИРЛИГИ ВА ЧИҒАНОҚЛАРИ
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ
В САНГЗОРЕ ОБИТАЮТ ДВУСТВОРЧАТЫЕ МОЛЛЮСКИ И
ЧЛЕНИСТОНОГИЕ**

THE SANGARA IS HOME TO BIVALVES AND ARTHROPODS

Аъзамқулов Ахрор- Жиззах политехника институти ассистенти, Жиззах.

Yusupov Shake- М.Авезов номидаги жанубий Қозоғистон унверистети дотценти

Азамқулов Ахрор-ассестент Джизакского политехнического института, Джизак.

Юсупов Shake- Доцент Южно-Казахстанского университета имени М. Авезова

Azamqulov Akhror-assistant of Jizzakh Polytechnic Institute, Jizzakh.

Yusupov Shake- Associate professor of the unveristet of South Kazakhstan named
after M.Avezov

Аннотация: Мақолада икки паллали моллюскаларнинг хўжаликдаги аҳамияти ва уларнинг биохилма-хиллигини сақлаш чора-тадбирлари хақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: антропоген, биохилма-хиллик, оғирлик. абиотик, чиғаноқ моллюска, зичлик, дарё, харорат.

Аннотация: В статье представлена информация о хозяйственном значении двустворчатых моллюсков и мерах по сохранению их биоразнообразия.

Ключевые слова: антропогенное, биоразнообразиие, нагрузка. абиотик, раковинный моллюск, плотность, река, температура.

Annotation: The article provides information on the economic importance of bivalve molluscs and measures to preserve their biodiversity.

Keywords: anthropogenic, biodiversity, burden. abiotic, shell mollusk, density, river, temperature.

Ўзбекистон худудидаги мавжуд ички сувлар ерларни суғоришда, тупрок ҳосил бўлишида, ўсимликларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Улар халқ хўжалиги саноат кархоналарини сув билан таъминлаш, экинларни суғориш ва маиший турмушда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини муҳофаза қилиш - инсон учун зарур бўлган қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш, сув ва ҳавони тоза сақлаш, тупроқларни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини табиий ҳолича асраб қолиб, қайта тиклаш ҳамда хушманзара жойларни шаршара, булоқлар ва бошқаларни табиий ҳолича сақлаш кабиларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон сув ҳавзаларининг ифлосланишида зовур сувларининг ҳам таъсири бор. Чунки зовур сувлари ҳар хил эриган тузларни, пахта ва бошқа экинларга сепилган турли ҳил захарли кимёвий моддалар эритмасини дарёларга олиб келади, натижада сувни ифлослайди. Сангзор дарёси сувларининг зовур сувлари билан ифлосланишини олдини олиш учун уларни иложи борида дарё, ариқ ёки сув омборларига ташлашга чек қўйиш керак. Сангзор дарёси сув экотизимларида сувнинг сифатини аниқлашда гидрабионтлар яхши индикатор бўлади. 1920 йил И.Кольквитц, Р.Марессонлар сувларнинг ифлосланишига кўра ажратганлар. Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кумитаси маълумотларига кўра Сангзор дарёси соҳилида тоза, ўртача ифлосланган ва ифлос сувлар мавжуд.

Ўрта оқим Ғаллаорол худудида (Сангзор қ.) ва қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) худудларида таҳлил қилинди. Ўрта оқим Ғаллаорол худудида (Сангзор қ.) худудида O_2 миқдори $4,9 \pm 1,1$ мг/л, нефт ва нефт маҳсулотлари $0,04 \pm 0,02$ мг/л, минералланиш даражаси 884 ± 62 мг/л. бўлганда 5 ёшли *Sinanodonta gibba* турининг оғирлиги 380 грамм, чиғаноқ узунлиги $146 \pm 3,1$, чиғаноқ баландлиги $68 \pm 2,1$, чиғаноқ қабариклиги $74 \pm 2,6$ ни; *Corbiculina ferghanensis* нинг оғирлиги 3,1 грам, чиғаноқ узунлиги $21,5 \pm 2,3$,

чиғаноқ баландлиги $18 \pm 2,4$, чиғаноқ қабариклиги $12 \pm 1,1$ ни ташкил этиши аниқланди. Ушбу ҳудуд дарёнинг ўрта қисмида жойлашганлиги сабабли сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари РЭМ дан ошмаган. Дарёнинг қуйи қисмида жойлашган Хайробод қишлоғи яқинидаги сув таркибида O_2 миқдори $5,7 \pm 1,0$ мг/л. бўлиб бу миқдорнинг ўрта оқимда кўплиги қуй оимда сув ўтларининг кўплиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, будан ташқари қуйи оқимда нефт ва нефт маҳсулотлари $0,06 \pm 0,01$ мг/л, минералланиш даражаси 1014 ± 42 мг/л, бўлганда 5 ёшли *Sinanodonta gibba* турининг оғирлиги 312 грамм, чиғаноқ узулиги $131 \pm 3,1$, чиғаноқ баландлиги $57 \pm 2,1$, чиғаноқ қабариклиги $65 \pm 2,2$ ни, *Corbiculina ferghanensis* турининг оғирлиги 2,4 грам, чиғаноқ узулиги $17,5 \pm 1,6$, чиғаноқ баландлиги $14,9 \pm 1,3$, чиғаноқ қабариклиги $9,4 \pm 1,0$ ни ташкил этади. Бу ҳудудда сувларнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари рухсат этилган миёрдан юқорилигини кўрсатди.

Икки паллали моллюскалар оғирлиги ва чиғаноқлари ўзгарувчанлигига таъсири (n=10, м²/дона)

Кўрсаткичлар	Ўрта оқим Ғаллаорол (Сангзор қ.) ҳудуди популяцияси. O_2 $4,9 \pm 1,6$ м/г (РЭМ К-4 Ё6), нефт ва нефт маҳсулотлари $0,04 \pm 0,02$ мг/л (0,05), минералланиши 884 ± 62 м/г (1000)	Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) ҳудуди популяцияси. O_2 $5,7 \pm 0,9$ м/г (РЭМ К-4 Ё6), нефт ва нефт маҳсулотлари $0,06 \pm 0,01$ мг/л (0,05), минералланиши 1014 ± 43 м/г (1000)
<i>Sinanodonta gibba</i>		
Моллюскалар оғирлиги, г	$380 \pm 9,4$	$312 \pm 8,9$
Чиғаноқ узулиги, мм	$146 \pm 3,1$	$131 \pm 3,1$
Чиғаноқ баландлиги, мм	$68 \pm 2,1$	$54 \pm 2,1$

Чиғанок қабариклиги, мм	74±2,6	65±2,2
<i>Corbiculina ferghanensis</i>		
Моллюскалар оғирлиги, г	3,1±0,6	2,4±0,3
Чиғанок узулиги, мм	21,5±2,3	17,5±1,6
Чиғанок баландлиги, мм	18±2,4	14,9±1,3
Чиғанок қабариклиги, мм	12±1,1	9,4±1,0

Сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари нефт ва нефт махсулотлари, минералланиш даражаси РЭМ дан юқори бўлмаган ва сув ҳарорати, оқим тезлиги, тиниклиги икки паллали моллюскалар учун қулай бўлган ўрта оқим Ғаллаорол худудида (Сангзор қ.) яқинида моллюскаларнинг оғирлиги, чиғаногининг узунлиги, баландлиги ва қабариклиги ўсиши юқори эканлиги аниқланди. Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) қисмида сувда нефт ва нефт махсулотлари, минералланиш даражаси РЭМ дан юқори бўлганлиги ифлосланганлиги сув муҳити омилларининг икки паллали моллюскалар оғирлиги, чиғаногининг узунлиги, баландлиги ва қабариклиги ўсиши чиғанокларининг ўсишига маълум миқдорда чекловчи омил сифатида таъсир кўрсатиб чиғанокларининг ўлчамлари кичик эканлиги кузатилди.

Сангзор дарёси саҳили сув экотизимларида тақалган турлар катаробли - тоза сувда яшовчи, олигасапробли - ўртача ифлос сувларда, β – мезасапробли – ифлосланган сувларда яшайдиган турларга гуруҳланди.

Сангзор дарёси соҳли сув экотизимлари булоқ, чашмалар, дарёлар ва сув омборларида тарқалган турларнинг популяцияларини сақлаб қолиш мақсадида муҳофаза чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф этамиз.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Андреев Н.И., Андреева С.И., Бабушкин Е.С. Фауна и распределение дву створчатых моллюсков (*Bivalvia*) в бассейне р. Малый Юган (Среднее Приобье) // *Ruthenica*. – 2016. – Vol. 26. – No. 3–4. – P. 191–201.

2. Боймуродов Х., Эгамкулов А., Отакулов Б., Бобомуродов З.А. “Туятортар каналида тарқалган *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласи икки паллали моллюскалари экологик гуруҳлари”. “Муҳандислик коммуникация соҳасида инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари II қисм. – Самарқанд, 2020. 106-108 бет.

3. Боймуродов Х., Иззатуллаев З., Суяров С., Отакулов Б., Хожиев М., Бобомуродов З., Туреханов Ф. “Хозяйственное значение и охрана эндемичных, редких и малочисленных двустворчатых моллюсков реки зеравшан”. Актуальные проблемы экологии и природопользования сборник научных трудов международной научно-практической конференции. В трех томах ТОМ 1 Москва, апрель-сентябрь 2020 г. – Москва, 2020. 48-52 бет.

4. Боймуродов Х. Т., Иззатуллаев З., Эгамкулов А., Отакулов Б., Хожиев М., Бобомуродов З. Современное состояние популяции *Colletopterum bactrianum* Rolle 1897 в водоемах Узбекистана *Bulletin of science and practice Scientific Journal*. Volume 6, Issue 1. Т. 6. №1. 2020. 21-27 с.